

ЧЭИИ “Toshkentvino kombinati” АЖ акциядорлари диққатига!

Чет эл инвестицияси иштирокидаги «Тошкентвино комбинати» акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2022 йил 03 июндаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 30 июнь куни, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий шоҳ кўчаси, 9-уй да жойлашган Жамият мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 15:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 14:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 14:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри 2022 йил 24 июнь ҳолатига тузилади.

Йиғилиш кун тартиби

1. Умумий йиғилиш регламентини ҳамда саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилда амалга оширилган ишлари ҳисоботини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан тафтиш комиссияси ҳулосасини эшитиш.

4. Жамият ижроия органининг 2021 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини эшитиш.

6. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимоти, дивидендларни тўлаш шакли, миқдори ва тартибини белгилаш.

7. Жамиятнинг 2022 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

8. Жамият бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш.

9. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

10. Жамият тафтиш комиссиясини тугатиш.

11. Жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

12. Жамият устави янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида.

13. Жамият ички корпоратив ҳужжатларининг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида.

14. Жамият акциядорлари томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият фойдасига олиш.

15. Жамиятнинг 2022 йил молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.

16. Жамият ижроия органи томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишни маъқуллаш.

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2022 йил 24 июнь ҳолатига кўра тузилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2022 йил 30 июнь соат 14:00 да бошланади.

Акциядорлар паспорт ёки акциядорлар вакиллари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномалар билан келишлари сўралади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўйича тайёрланган ҳужжатлар билан танишиш учун: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий шоҳ кўчаси, 9-уй.

Электрон почта манзил: tashvino@mail.ru

Телефон: 71-205-54-45.